

**№ СРIO-1520/AT-NET - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун**

Тошкент ш.

20~~22~~ йил “05” 01

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан
Хон Е 1-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи
Компаниянинг “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва номидан Миробод тумани **Бандлилка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш маркази** (Устав, Низом, рўйхатта олингандик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи *Миробод АБН* *Омонов б* (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича кўйидагилар ҳакила Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Оферасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептими) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этилдиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чикиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан холда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

- 3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбик этилади.

3.1.1. Алока хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбик этилади ва ойлик хисоб 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофик кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий миқдори 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача: 1 725 000,00 (Бир миллион етти юз йигирма беш минг) сўмни ташкил этади. Ундан 575 000,00 (Беш юз етмиш беш минг) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови. Шартнома миқдоридан ошиб кетган тақдирда, ортиқча миқдори хар ойда тўланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимчага келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентта тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклидà тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик хар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб

ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календар ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув оркали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чикилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиши тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар кандай холатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироznома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда

мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ён беш) кундан ортик муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда мажбурий равишда хабардор килинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 ____ йил 31 декабря кадар амал килади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттира ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.2.2. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 22 йил 31.12 кадар амал килади.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ён) календар кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, хакиқи хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (хар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:
АК "Ўзбектелеком"

«Сотув ва хизмат кўреатиши маркази» филиали

АБОНЕНТ:

Миробод тумани Бандликка кўмаклашиш ва
ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази

Манзил: Тошкент, шахар, А. Темур кўчаси 97 А.
Тел: (99) 836-7600

Электрон почта: b2b@uztelecom.uz

Банк маълумотлари:

хисоб раками: 2021 0000 5040 7483 8088

АТБ Алоқабанк

МФО: 00401

СТИР: 203366731

ОКЕД: 61100

Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди

КҚС 326 030 013 817

Директор ўринбосари:



Ижрохи: Тагаева А.
Тел.: (+998 99) 700-0710

Манзил:

MIROBOD TUMAN AHOLI BANDLIGIGA KO'MAKLASHISH MARKAZI
x/r: Toshkent sh., Mirobod tum., T.Shevchenko ko'chasi, 64-uy.
л/р Tel.: 254-24-47, 281-48-67
СТИР: 201 249 774 OKED: 84130
МФО: sh/xrg 200221860030004109205234003
Банк номи: MOLIYA VAZIRLIGI GAZNACHILIGI
Тел: X/R 2340 2000 3001 0008 1010
MB BB XKKM Toshkent shahar
STIR: 201 122 919 МФО: 00014

Юрий

Абонент номидан:

Куббатов С.



КМХХ бўлим бошлиги: Рахмадова Н.Х.

"05 01 2022

1-иљова

йилдаги № СРIO-1520/AT-NET -сонли абонент шартномаси

Хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги Миллий валюта – сўм

т/р	Хизматлар номи	ККС билан нархи (микдори)	Микдори	15% ККС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5
I. Бир марталик тўловлар				
1.1	Хар бир уланиш нуктаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича)	-	-	-
II. Хар ойлик абонент тўловлари				
2.1	Соргорт-4 тариф режаси бўйича 20 Мб/с тезлигига UZ-IX ва TAS-IX 20 Мбит/с Миллий маълумотлар узатиш тармогига кириш, Интернет тармогига уланиш тезлиги, 19:00 дан 00:00 гача 5 Мбит/с Интернет тармогига уланиш тезлиги, 00:00 дан 19:00 гача 20 Мбит/с ва TAS-IX 20 Мбит/с тармогига уланиш тезлиги - mirobodmintrud	450 000,00	1	450 000,00
2.2	IP-манзил (213.230.071.098)	20 000,00	1	20 000,00
2.3	VPN тармогига (Шахар) 10 Мб/с тезликда уланиш учун Абонент тўлови (VI.LAN 3852)	105 000,00	1	105 000,00
Жами (олдиндан тўлов)				575 000,00

Жами олдиндан тўлов микдори 575 000,00 (Беш юз етмиш беш минг) сўм , ККС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача: 1 725 000,00 (Бир миллион етти юз йигирма беш минг) сўмни ташкил этади. Ундан 575 000,00 (Беш юз етмиш беш минг) сўм микдорида ойлик абонент тўлови . Шартнома микдоридан ошиб кетгандек тақдирда, ортиқча микдори хар ойда тўланади.

"Ўзбектелеком" АҚ номидан:
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Директор ўринбосари



Абонент номидан:
Миробод тумани Бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази

Ф.И.Ш. Амонов б.

